Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 14 декабрь жума

Сотувда эркин нархда

№ 253 (2815)

## КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида "Ўзбекистон юксалиш йўлида" деб номланган туркум китоблар тақдимоти ўтказилди. "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган ушбу китобларда Президент Ислом Каримовнинг мустақил ўзбек давлатини барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган сиёсати кенг очиб берилади, Ватанимизда ўн йил мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, аҳолининг янгича турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Р.Сафоев, "Ўзбекистон" нашриётининг директори Ў.Зокиров, Қарши Давлат университетининг профессори О.Жўрақулов ва бошқалар туркум китобларнинг мавзуи, уларнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЕВРОПАГА ЙЎЛ ЕВРОПАНИНГ ҚАЛБИДАН БОШЛАНАДИ

**Президент Ислом Каримов 10-12 декабрь кунлари расмий ташриф билан Австрия Республикасида бўлди**




Ғарбда Австрия — Европанинг юраги, дейдилар. Бу ўлка Европанинг қоқ марказида жойлашган. Лекин фақат жўғрофий омиллар туфайлигина унга бундай сифат берилмаган. Австрия катта-катта халқаро анжуманлар ўтадиган, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида кўприк вазифасини бажарадиган мамлакатдир. Венада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий қароргоҳларидан бири жойлашган. Бундан ташқари, Австрия пойтахтида Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК), ЕХҲТнинг котибияти ва доимий кенгаши, Халқаро атом энергетикаси агентлиги (МАГАТЭ), шунингдек, ЮНИДО сингари БМТнинг бир неча қуйи ташкилотлари ишлайди. Мамлакатнинг ўзи Европа Иттифоқидаги жараёнларнинг, халқаро тинчликни сақлаш операцияларининг, экологияни яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг фаол иштирокчисидир. Унинг барқарорликни мустаҳкамлаш, можароларнинг олдини олиш, экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган ташқи сиёсати халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлган.

Австрия ўзининг бетакрор маданияти, осори атиқаси билан ҳам Европанинг қалби, деган ном қозонган. Асрлар давомида барпо этилган меъморий обидалар, яратилган тасвирий ва мусиқий асарлар мамлакатни дунёга танитган. Вена ўғил болалар хори, филармония ва симфония оркестрлари, пойтахтдаги давлат операси Австрия маданиятининг элчилари сифатида дунё кезиб, мамлакат шуҳратини оширмоқда. Дунёда Моцарт, Бетховен, Шуберт сингари даҳо санъаткорларнинг асарлари етиб бормаган жой йўқ.

Ислом Каримовнинг бу гўзал мамлакатга расмий ташрифи ноанъанавий тадбирдан бошланди. Президентимиз аввал Австриянинг собиқ Федерал канцлери, айни пайтда ишбилармонлар уюшмаси раҳбари Франц Враницкий билан учрашди. Суҳбат мавзуини асосан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ масалалар ташкил этди.

Хофбург саройида Президент Томас Клестил билан бўлган учрашув ниҳоясида эса ўзаро иқтисодий алоқалар кўламини кескин кенгайтирадиган келишувларга эришилди. Юк ташиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат товарлар оқимини оширишга хизмат қилади, йўлда учрайдиган турли тўсиқларни бартараф этади, транспорт воситаларининг ҳаракатини осонлаштиради.

Темир йўл компаниялари ўртасида қабул қилинган ҳужжатнинг қамрови ҳам жуда кенг. Унда Ўзбекистондаги темир йўл тармоқларини замонавийлаштириш, қувватини ошириш, бу тармоқларни кенгайтириш учун йирик минтақавий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, соҳа хизматларининг малакасини ошириш кўзда тутилган. Ҳужжатда трамвай ва метро йўлларини замонавийлаштириш ва қувватини ошириш масаласига ҳам эътибор берилган.

Австрияда сайёҳлик соҳаси юксак даражада ривожланган. 8 миллион нуфусли мамлакатга йилига 20 миллионга яқин хорижий сайёҳ келади. Шу боис бу соҳа Австрия иқтисодининг таянч соҳаларидан бирига айланган. Шаҳарлардаги қадимий обидалар, осори атиқа билан бир қаторда, тоғларда сақланиб қолган табиий гўзаллик ҳам одамларни ўзига тортади.

Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Австриянинг "Olimpia Rescen Vienna" ҳамда "Wind Rose" сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар қабул қилинди. Австрия Сайёҳлик агентлари ва операторлари уюшмаси билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Бу ҳужжатларга кўра, томонлар ўз олдига сайёҳлик соҳасида ишлайдиган ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш, улар учун қулайликлар яратиш, ахборот алмашиш, турли босма нашрлар, фотосуратлар ва видеоматериаллар тарқатиш, кўргазма ва симпозиумлар уюштириш, соҳага сармоя жалб этиш каби кўплаб вазифаларни қўяди. "Salzburger Turismus Schulen" компанияси билан тузилган шартнома эса меҳмонхона бизнеси бўйича мутахассислар тайёрлашни кўзда тутади.

Венада қабул қилинган яна бир ҳужжат эса таълим соҳасига тегишли. У Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан Вена университети ўртасида ҳамкорликни йўлга қўяди. Икки университет олимлар, аспирантлар, талабаларнинг борди-келдисини ривожлантиради, илмий материаллар алмашади, илмий лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқиб, амалга оширади, биргаликда илмий симпозиум, семинар ва конференциялар уюштиради. Келишувга биноан эндиликда факультетлараро мустақил ҳамкорликни ривожлантиришга йўл очадиган янги ҳужжатлар тайёрлаш ҳам мумкин.

Вена университети 1365 йили ташкил этилган ва аҳолиси немис тилида гаплашувчи мамлакатларнинг олий ўқув юртлари орасида энг қадимийси ҳисобланади. Австрия университетлари фақат таълим бериш билан чекланмай, Ўзбекистондаги каби илмий тадқиқотлар маркази вазифасини ҳам бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг Австрияга ташрифи ғоят самарали кечди ва фойдали натижаларга бой бўлди. Унинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, Австрия раҳбарлари билан учрашувларда томонлар кўплаб масалаларда ҳамфикр эканлиги аён бўлди. Бу эса ўзаро ишонч мустаҳкамлигини кўрсатади. Президент Томас Клестил 11 сентябрь воқеаларидан кейин дунё мамлакатларининг диққат марказини Марказий Осиёга қаратилгани ҳақида гапирар экан, Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизлик масалаларига муносабати, бу борада юритаётган мустақил сиёсати, хусусан, халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдами ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Австрия раҳбари минтақамизга таҳдид солувчи омилларни жуда яхши билади ва Ўзбекистоннинг бу борадаги нуқтаи назарини, қарашларини эътироф этади.

Сиёсий муносабатлардаги ўзаро ишонч ва эҳтиром, табиийки, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши пойдевор бўлади. Президент Ислом Каримовнинг айтишича, айни пайтда икки мамлакат мутахассислари ишбилармонлар учун алоҳида қулайлик ва имтиёзлар тартибини жорий этиш, австриялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга визасиз келиб-кетиши учун имконият яратиш масалалари устида ишламоқда.

Таъкидланганидек, Австрия — Европанинг юраги. Ислом Каримовнинг сафари Европага унинг қалби орқали кириб боришимиз учун янги имкониятлар яратди, десак асло муболаға бўлмайди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Вена-Тошкент.**

**СУРАТДА: Ислом Каримовнинг Австрия Федерал иқтисодий палатаси президенти К. Ляйтл билан учрашуви.**

**Муҳаммад АМИН олган сурат.**

*Тошкентда АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги (USTDA) билан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзтибмаҳсулот" акциядорлик компанияси ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.*

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Мазкур ҳужжатлар USTDAнинг мамлакатимиз халқ хўжалигининг телекоммуникация, темирйўл транспорти, энергетика, тиббиёт ва сайёҳлик каби устувор соҳалари бўйича лойиҳаларни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишини кўзда тутади.

Ҳужжатларга АҚШ томонидан USTDAнинг минтақавий директори Дэниэл Стейн, Ўзбекистон томонидан номлари зикр этилган ташкилотларнинг раҳбарлари имзо чекди.

Айни пайтда USTDA делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилиши режалаштирилаётган бир қатор лойиҳаларни ўрганмоқда.

— Имзоланган бешта ҳужжат ўзаро ҳамкорлигимиздаги энг муҳим йўналишларни аниқлаб олишга ёрдам беради, — деди Д.Стейн. — Мазкур соҳалар бўйича Ўзбекистон ҳукумати тақдим этган лойиҳалар агентлигимиз томонидан чуқур таҳлил қилингандан сўнг, уларни ҳаётга жорий қилиш учун АҚШ томонидан грант ажратилади. Имзоланган ҳужжатлар АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётганидан яна бир далолатдир.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БРИТАНИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

***Британиядаги Лафборо университетида Ўзбекистон тақдимоти бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонаси кўмагида «Умид» жамғармаси талабалари ташкил этишди.***

Мамлакатимиз Конституцияси кунига бағишланган ушбу тақдимотда Чарнвуд округи раҳбарияти, олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, илмий доиралар вакиллари, хорижий талабалар иштирок этдилар.

Лафборо университети — Буюк Британиядаги етакчи олий ўқув юртларидан бири саналади. Лафборо мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради — мазкур олий ўқув юртида таълим олаётган ўзбек талабалари сони тобора кўпайиб бораётгани бунинг исботидир.

Университет проректори, профессор Харри Томасон ушбу тақдимот маросими тўпланганларни ўзбек халқининг тарихи, маданияти, анъаналари ва бугунги куни билан яқиндан таништиришга ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги самарали мулоқотларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди.

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчиси А.Файзуллаев тўпланганлар диққат-эътиборини мамлакатларимиз ўртасида тобора кенгайиб бораётган алоқаларга, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан олиб бораётган саъй-ҳаракатларига қаратди.

Талабаларимиз тадбир иштирокчиларига тақдим этган маданий дастур, хусусан, миллий ўйинлар, якка кураш, ашула ва рақслар намойишини ўз ичига олган театрлаштирилган томошалар уларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

**Мардон ЁҚУБОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
**Лондон.**

## Шифокорлар тиббий лигаси — мамлакатимизга

Шу кунларда мамлакатимизга қалқонсимон без касалликларини даволаш учун дори-дармонлар билан тўлдирилган контейнер келтирилди. У Марказий Осиёда иқтисодий ислоҳотлар ва ривожланиш лойиҳаси (PERDCA)нинг Тошкентдаги манзилига АҚШ Шимоли-ғарбий шифокорлар лигаси (Northwest Medical Teams) томонидан юборилди. Бу ташкилот PERDCA нинг АҚШдаги ҳамкори саналади.

Northwest Medical Teams ходими Макл Тимкенинг айтишича, АҚШ Шифокорлар тиббий лигаси президенти, жаноб Бэс Вандерзалм мазкур лойиҳаларда Лига билан ҳамкорликни ривожлантираётган Ўзбекистон ҳукумати ва PERDCA ташкилотининг саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди. У қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ контейнернинг келтирилишидан мамнуният билдирди.

Шифокорлар тиббий лигаси ва PERDCA мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Улар мамлакатимизга дори-дармонлар етказиб бермоқда ва даволаш препаратларига эҳтиёж сезаётган касалларга беғараз ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистон фуқаролари учун қиймати 300 минг АҚШ долларига тенг иккинчи контейнер ҳам тез кунларда мамлакатимизга келтирилади.

**(ЎзА).**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

***• «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, кеча АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари Афғонистондаги Тора-Бора туманида жон сақлаётган террорчиларга қарши олиб бораётган амалиётларини янада фаоллаштирган. Бомбардимонлар натижасида жангарилар сезиларли кучларидан ажралганлиги айтилмоқда. Бироқ ҳозирда террорчилар раҳнамоси Усамо бин Лодиннинг қаердалиги мавҳумлигича қолмоқда дейилади, айни хабарда. Кеча Оқ уй раҳбари Ж.Буш биринчи рақамли террорчи қаерда бўлмасин, уни таъқиб этиш давом этаверишини таъкидлади.***

***• Кеча «Ал-қоида» ташкилоти аъзоларидан бири Аль-Завахри Би-Би-Сига интервью берар экан, «Биз ва бин Лодин Афғонистонни тарк этмаймиз. Ўз жонига қасд қилиш — бизнинг бош мақсадимиз», деган.***

***• «Рейтер» агентлигининг хабар беришича, кеча Германия ҳукумати намояндалари Афғонистондаги «Ал-қоида» ташкилоти аъзоларига қарши олиб борилаётган амалиётларда иштирок этиш мақсадида 100 нафар махсус тайёргарликдан ўтган ҳарбийларини юборган.***

***• Кеча Афғонистоннинг ўтиш давридаги муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай (суратда) Кобулга етиб келди, дея хабар***



***беради «Рейтер» агентлиги. Маълумки, Афғонистонда яна саккиз кундан сўнг янги ҳукумат ўз фаолиятини бошлайди. Хабарингиз бор, айни маъмурият сафидан Юнус Қонуний, Муҳаммад Фахим ва доктор Абдулло каби мулозимлар жой олган.***

***• Би-Би-Си хабарларига қараганда, кеча Исроил ҳукумати Фаластин етакчиси Ёсир Арофат билан барча алоқалар бутунлай тугатилганлигини аён қилган. Айни пайтда минтақадаги вазият кескинлашиб бормоқда. Отишмалар ва қўпорувчилик ҳаракатлари деярли ҳар куни юз бермоқда.***

***• Кеча Ҳиндистон парламенти биноси ёнида мамлакат ҳарбийлари билан олти нафар жангари ўртасида отишмалар бўлиб ўтди, деб хабар беради «Интерфакс» агентлиги. Натижада 12 киши ҳалок бўлган, 30 киши, жумладан, журналистлар ва ҳарбийлар оғир тан жароҳати олган. Ҳозирча отишма сабаблари аниқланмаган. Ҳиндистон мудофаа вазири Ж.Фернандеснинг айтишича, жангариларнинг***



***барчаси йўқ қилинган. Маълум бўлишича, айни отишмалар пайтида мамлакат парламенти биносида Бош вазир Атал Бихари Важпай, вице-президент Соня Ганди (суратда) ва қатор вазир ҳамда депутатлар бўлган. Сўнгги хабарларга қараганда, ҳукумат етакчиларининг барчаси омон қолган.***

***• Маълумки, шу вақтгача Ёқутистон Республикаси президентлиги учун амалдаги раҳбар М.Николаев билан таниқли ҳуқуқшунос В.Колмогоров ўртасида қизғин кураш кечаётган эди. Бироқ куни кеча М.Николаев мазкур курашдан бутунлай воз кечган. Маълум бўлишича, амалдаги раҳбар айни лавозим учун номзоди кўрсатилган «Алроса» олмос ишлаб чиқарувчи компания етакчиси В.Штиров фойдасига ўз номзодини қайтариб олган. Сайлов шу йилнинг 23 декабрида бўлиши керак.***

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

**Огоҳлик**

# Кўз қорачиғи

Кўчамиздаги кўп қаватли «дом»лардан бирида Ҳаким полвон деган киши яшайди. Умрида кураш тушмаган. Сиёғи шунақа — полвонсифат, чапанифеъл. Нафақага чиққунга қадар аллақайси заводда оддий чилангар бўлиб ишлаганлигини эшитганман. Маҳалланинг иссиқ-совуғига аралашиб юради. Қайси куни чойхонада гурунглашиб қолдик. Гапдан-гап чиқиб, Афғонистон воқеаларига гал келганда, полвон қизишди:

— Оғзим «ёпиқ». Шаккоклигим учун Худонинг ўзи кечирсин. Ука, бу террорчи деганиниям инсон зоти туққанми? Ё навзамбиллоҳ... Қўшнинг ўзидан тинчимаса, чатоқда. Ҳамонки бугун қўшнимизнинг уйида нотинчлик ҳукмрон экан, биз хотиржам бўлолмаймиз. 22 йилдан бери уруш оловида қўлини иситаётган бу нобакорлар амалда на динни, на иймонни тан олишади. Ислом улар учун бир ниқоб, холос. Сиёсий раҳнамоларини қаранг. Лодин дейдими... Асл муддаоси нима, ўзи, бу занғарларнинг?

Мен суҳбатдошимнинг мулоҳазаларини тинглар эканман, ўзимча хулоса қилдим: демак, юртдошларимиз дунё тақдирига, Ватан келажагига бефарқ эмас. Улар тинчликнинг буюк неъмат эканлигини теран идрок этишяпти. Аслида бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Тинчлик устувор юртда орзу дарахтлари чаппор уриб гуллайди, оналаримиз тўю-томошалар учун тандир-тандир нон ёпишади, бободеҳқон ердан ризқ-насиба ундиради, фарзандларимиз зангори осмонни тўлдириб варрак учиришади. Инсонга бундан ортиқ яна нима керак?

Афсуски, дунёнинг ишлари баъзан сиз билан бизнинг одми тасаввуримизга мос келавермайди. Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа. Илонни тажовузкор, деймиз. Йўқ, илонни тинч қўйайлик, бу жонивор тегмаганга тегмайди. Аслида биз дунёдаги илонсифат одамлардан қўрқишимиз керак. Улар сиртдан силлиқ кўрингани билан қилмишлари ёвузлик ва ҳунрезликдан иборат. Уч ойча аввал, океан ортида — Америкадек буюк давлатда бегуноҳ кишиларнинг қонини тўккан ким? Ўша илонсифат кимсалар эмасми? Миллионлар тақдири билан ўйнашаётган бу зўравонларнинг асл муддаоси нима? Муддао битта: ҳукмронлик. Яъни, бировнинг уйи куйса куйсин-у, уларнинг қозони қайнасин.

Оламда содир бўлаётган воқеаларни соғлом идрок назари билан таҳлил қиладиган бўлсак, қўшни мамлакатдаги адолатсиз уруш халқаро терроризм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик билан ўзаро чатишиб кетганлигини англаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам бугун кучга қарши куч, ғояга қарши ғоя билан курашишга тўғри келмоқда. Соҳибқирон бобомиз «Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор жойда туролмайди», деганларида минг карра ҳақ. Зулм илдиз отган юртда инсон хўрланади, диёнат оёқости бўлади, яшаш азобга айланади. Жафокаш афғон замини мисолида буни яққол кўриб турибмиз. Шундай экан, дунёга очиқ кўз билан қараб, огоҳлик ва ҳушёрликни ҳаётимиз мезонига айлантирсак, бирон-бир ёвуз куч остонамизга қадам босишга журъат қилолмайди.

«Барчамизга аён бўлиши керакки, — деб таъкидлади Президентимиз Олий Мажлиснинг VII сессиясида қилган маърузасида, — бугун Афғонистон майдонида бир-бирига қарши турган кучлар — улар ҳудудий, этник ва диний гуруҳ ёки қатламлар бўладими, — бир-биридан ўч олишга, ҳар хил шартлар ёки ўзини устун қўйиш йўли билан эмас, аксинча, бир-бирининг ўзаро талаб ҳамда манфаатларини тан олиб, тил топишишга интилиши ва аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолиги ва воситачилиги асосида қандайдир келишувга эришиш йўли билан бу заминда тинчлик ўрнатиш мумкин».

Таъкидлаш керакки, Юртбошимиз афғон муаммосини ҳал этиш борасида бир неча йилдан бери қатъият ва собитқадамлик билан курашиб келмоқда. Агар жаҳон жамоатчилиги бу даъватларга ўз вақтида қулоқ тутиб, ёвузлик тимсоли — терроризм моҳиятини тўла англаб етганида ва унга қарши шафқатсиз ўт очганида кўпдан-кўп кулфатларнинг олди олиниши тайин эди. Афсус, ундай бўлмади. Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари кўпчиликнинг кўзини очди, терроризм иллатига қарши кураш ҳаёт-мамот масаласига айланди. Тақдир икки халқни қўшни қилиб яратган. Ўзбекистон ва Афғонистонни битта дарё ажратиб туради. Бас, шундай экан, бу юртда, бу жафокаш заминда тинчлик ва осойишталик қарор топишидан биз, ўзбекистонликлар ҳаммадан кўра кўпроқ манфаатдормиз.

Президентимизнинг нутқи, Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаати ана шундай мантиқий хулоса чиқаришга имкон беради. Зотан, мазкур ҳужжатларда халқаро терроризмнинг асл моҳияти чуқур асослаб берилган, Ўзбекистоннинг айни масаладаги позицияси аниқ ва лўнда баён қилинган. Терроризм жабрини тотиб кўрган халқимиз эрк ва озодликнинг қадрини яхши англайди. Бинобарин, ҳеч қандай куч энди уни ўзи танлаган йўлдан қайтаролмайди. Ватан шаъни, юрт мустақиллиги барча замонларда азалий қадрият саналган. Улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ва жасорати биз учун беқиёс ибрат мактабидир. Жалолиддин Мангуберди, Широқ, Муқанна, Амир Темурни тенгсиз муҳорабаларда жон олиб жон беришга ундаган илоҳий куч — юртга, Ватанга бўлган буюк меҳр-муҳаббат эмасми? Бу ўринда кимда қандай шубҳа бўлиши мумкин?

Миллатнинг қудрати унинг жипслиги ва ҳамфикрлигидадир. Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нарсани сева олмайди. Ҳар биримизда шу юрт, шу Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси устувор бўлгандагина адолат тантана қилади, тараққиёт жадаллашади, дастурхонимиз янада тўкин бўлади.

Ёшлигимда бир ривоят эшитгандим. Кекса деҳқоннинг тўртта азамат ўғли бор экан. Бандасининг умри ҳисобли. Қазои муаллақ фурсати етгач, чол ўғилларини ёнига чорлабди ва ҳар бирига биттадан заранг таёқча бериб, «Синдиринглар», дебди. Норғул йигитлар бу топшириқни кўз очиб юмгунча адо этишибди. Кейин иккинчисини, учинчисини... Лекин ҳарчанд уринишмасин, тўртта таёқчани бирданига синдира олишмабди. «Тушунолмадик, — дебди катта ўғил. — Бу ҳаракатингизда қандай ҳикмат бор?». Ота дебди: «Ҳикмат — бирлик ва аҳилликда. Аҳил бўлинглар. Ана шунда сизларни ҳеч ким енголмайди».

Аҳиллик қаршисида ҳар қандай мушкулот чок-чокидан сўкилади, яшаш чуқур маъно касб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугун умумий хавфга қарши дунё ҳамжамиятининг ўзаро бирлашаётганлиги мутлақо табиийдир. Афғон халқи урушлардан, тала-тўплардан безиди. Ҳадемай, ён қўшнимизнинг хонадонида ҳам тинчлик ва осойишталик қарор топишидан умид қиламиз.

Кўз қорачиғи... У бизга ёруғ оламни, дунёнинг турфаранг гўзалликларини кўриш учун ато этилган. Ватан меҳри ва соғинчини кўз қорачиғига жойлаган одамни руҳан енгиб бўлмайди. Зеро, шу кўз, шу қорачиқ, шу Ватан сизу биз — ҳаммамизнинг азиз ва бебаҳо бойлигимиздир!

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Китобдан яхши дўст йўқдир жаҳонда

## «Нобел мукофоти соҳиблари»

Бундан чамаси бир аср аввал таниқли швед олими Алфред Нобелнинг «Менинг алоҳида хоҳишим, мукофотга энг лойиқ номзодлар танлаб олинсин» деган васиятига асосан шу номдаги мукофот таъсис этилганди. Мазкур васиятномада таъкидланганидек, олим меросидан ташкил этилган жамғармадан олинадиган фоизлар тенг беш қисмга бўлиниб, унинг бир бўлаги физика соҳасида буюк кашфиёт ва ихтиро яратганларга, иккинчиси кимё оламида қўлга киритилган оламшумул ишларни амалга оширганларга, физиология ёки тиббиёт соҳаси вакилларига, адабий асарлар муаллифларига ҳамда давлатлар ўртасида тинчлик шартномалари соҳасида буюк хизмат кўрсатган шахсларга бериладиган бўлди.

Алфред Бернхард Нобелнинг ўзи ким бўлган? У нима билан шуғулланган, ҳаёти қандай кечган? Унинг номи билан боғлиқ жамғарма қай йўсинда ташкил этилган?.. Олим номи билан боғлиқ бу каби саволларга жавобни «Нобел мукофоти соҳиблари» номли янги рисоладан олишингиз мумкин.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети Давлат илмий-техника ахбороти фонди (ДИТАФ)нинг Республика илмий-техника кутубхонасида шу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Республика Фанлар академиясининг академиги Р.Мўминов йиғилганларга рисола ҳақида батафсил тушунча берди. Унда муаллифлар Абдумажит Тўраев ва Иброҳим Каримовлар физика ва кимё соҳасида шу юксак мукофотга сазовор бўлганларнинг ҳаёти, илмий ишлари ҳақида ўқувчига кенгроқ маълумот беришга интилишган.

«Китобнинг аҳамияти шундаки, у Нобел жамғармаси ва шу ном билан аталувчи халқаро мукофот тўғрисидаги ўзбек тилида чоп этилаётган биринчи асардир», деб ёзади сўз бошида Фан ва техника давлат комитети раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев. — Унда Нобел мукофотига сазовор бўлган олимларнинг қисқача таржимаи ҳоллари ва фотосуратлари ҳам берилган. Бу суратлар олимларнинг Нобел мукофоти билан тақдирланган кунлари олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми ўзбек китобхонлари учун биринчи марта эълон қилинмоқда».

Рисоланинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у табиий фанлар ўқитувчилари учун қўшимча маълумотлар манбаи ҳамдир. Қолаверса, бу асар ўсиб келаётган бугунги ёшлар ғурурига таъсир этиб, уларда шундай мукофотга муносиб номзод бўлиш иштиёқини уйғотса ажаб эмас.

**У.ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан*

# БУЮК АЛЛОМАЛАРДАН БИРИ

## Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892)

Имом ат-Термизий 824 йилда Термизда таваллуд топган. Болалигидан ўта зийраклилиги, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги ва ноёб истеъдоди билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Диний ва дунёвий илмларни, айниқса ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган. Илм талабида Хуросон, Исфахон, Ироқ, Макка ва Мадинада узоқ йиллар яшаб, машҳур муҳаддислардан таълим олган. У 892 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида вафот этган ва шу жойга дафн қилинган.

Аллома қаламига мансуб ўнга яқин асарлар бўлиб, улардан алломанинг шоҳ асари «ал-Жомиъ ал-Кабийр» («Катта тўплам») «Сунан ат-Термизий» номи билан машҳур. Шунингдек, пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл-шамойиллари ва юксак фазилатларига бағишланган «Аш-Шамоил ан-Набавиййа» номли асари ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг саҳиҳ ҳадисларини ўзида мужассам этган «Сунан» асари олти саҳиҳ асарларидан бири сифатида бутун мусулмон оламида юксак қадрланади. Бу муҳим манба қатор тилларга, жумладан ўзбек тилига (ҳозирча биринчи жилди) таржима ҳам қилинган. 1990 йилда имом ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланиб, юбилей муносабати билан алломанинг Сурхондарё вилоятида мавжуд мақбараси бир қадар таъмир этилган эди. Бу йил Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан мустақиллигимиз шарофати ила тарихий ҳақиқат тикланиб буюк муҳаддиснинг камтарона мақбараси батамом қайтадан қурилиб, замонавий, муҳташам ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Имом ат-Термизийнинг фазилатлари ва ахлоқий покизаликлари унинг ҳаётида асосий ўрин эгаллаган. У қувваи-ҳофизаси ўта кучли, ҳозиржавоб, фаҳму-фаросати юксак бўлиб, бу сифатлари хусусида ҳатто халқ орасида ҳар хил ривоятлар ҳам мавжуд бўлган.

У ғоятда тақводор, дину диёнатга катта масъулият билан ёндошган, динни бузиб талқин қилиш масаласида эҳтиёткор, илму маърифати билан инсонларга фойда келтиришга ҳаракат қилган. У пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг машҳур «Хайр ун-носи ман йанфа ун-носа» («Бошқа (одам)ларга фойдаси теккан инсон энг яхши инсон») деган ҳадиси-шарифларига қатъий амал қилган, барчани шунга даъват қилган.

У пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳиҳ ҳадисларини тўплаб, асарлар яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Мана шу юксак мақсадларига илм орқали, маърифат орқали эришиш мумкинлигини теран англаган. Ўз устози Имом ал-Бухорийга ҳурмати чексиз бўлган, унинг билан беш йил муддат Нишопурда бирга бўлиб, ўрталарида қизғин, дўстона илмий баҳсу мунозаралар кўп бўлган. Ал-Бухорий ҳам ат-Термизий билан учрашганидан ғоятда хурсанд бўлган, ундан баъзи ҳадисларни ўрганган. Нишопурда учта буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий, имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ва имом ат-Термизийларнинг учрашиб, илмий-ижодий фаолият кўрсатишлари ҳадис илми равнақида алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг самарали илмий ҳамкорликлари, баҳсу-мунозаралари натижасида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг ишончли, энг тўғри ҳадислари бизнинг давримизгача етиб келган. Бутун инсоният учун жуда катта илмий-маънавий мерос, мана ўн икки асрки ер юзида бахтли, озод ҳаёт, адолатли жамият, энг муҳими, маънавий комил инсонларни тарбиялашдек буюк бир мақсадга хизмат қилиб келмоқда.

Шу боис бу алломаларнинг табаррук номлари абадул-абад бутун жаҳон аҳлининг, айниқса ислом оламининг дилидаю-тилида ҳамиша барҳаётдир. Уларнинг ўлмас асарлари минг йилликлар оша инсонларни ҳидоятга, адолатга, ҳақиқатга, бахт-саодатга йўлловчи манба бўлиб қолаверади.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**шарқшунос олим.**

# САВОЛ БИЗДАН...

**Темир 5000 даража ҳароратда қиздирилса нима бўлади?**

* * *

*Ўтган сондаги саволнинг жавоби:* **иккала модда ҳам бир хил тезликда тушади.**

*Бу ҳақда 136-35-60 телефонига тошкентлик Мунаввар Отахонова, Маҳфуза Оқбоева, Алишер Жалилов, Бекобод туманидан Шаҳобиддин Ҳамдамов, Қашқадарёдан Жасурбек Исломовлар хабар қилишди.*




# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ «ЧИРОҚЧИ-105»

**ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА**

**Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан 1996 йил 5 августда берилган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

| Тар. №№ | Лицензия серияси | Лицензия варақаси рақами | Автомобил дав.рақ. |
|---|---|---|---|
| 1. | AT | 0018542 | 78-83 кфм |
| 2. | AT | 0018704 | 90-46 кфл |
| 3. | AT | 0018705 | 83-70 кфм |
| 4. | AT | 0018706 | 79-19 кфа |
| 5. | AT | 0018702 | 92-88 кфл |
| 6. | AT | 0018907 | 75-80 кфм |
| 7. | AT | 0018909 | 79-20 кфж |
| 8. | AT | 0018910 | 96-33 кфм |
| 9. | AT | 0018912 | 80-16 кфм |
| 10. | AT | 0018914 | 69-32 кфж |
| 11. | AT | 0018915 | 79-16 кфа |
| 12. | AT | 0018916 | 96-58 кфа |
| 13. | AT | 0018918 | 95-37 кфа |
| 14. | AT | 0018886 | 75-63 кфл |
| 15. | AT | 0018781 | 75-65 кфл |

5094/2578


*Обуна — 2002*

# Аёл — жамиятнинг гули

Аёл ва жамият. Уларни бир-бирига ҳаёт боғлайди. Аёлнинг ҳар бир нафаси жамиятимизда сезилиб тургани каби жамият ҳам аёлсиз маъносини йўқотади.

Ардоқли журналимиз «Саодат», мана 75 йилдирки, шу мавзунинг, моҳиятнинг мезонида яшайди. Бу мезон аёл қалбининг энг нозик торларидан жамиятнинг бўстонларини яратади. Оддийгина аёлнинг оиладаги ўрни, руҳияти, мақсадлари оиладан келиб чиқиб, жамиятга ўз таъсирини ўтказади. Рўзғорнинг ободлиги, озодалиги, фарзандлар тарбияси, садоқат шу оила, шу аёл тимсолида жамиятни тарбиялайди, Ватанга хизмат қилади, юракларни бутунлайди, улуғлайди. Республикамизнинг исталган бурчида бундай ибратли оилалар минглаб топилади. Биз бундан қувонамиз. шундай бўлиши табиий, дея ўйлаймиз. Ўйларимизни журнал саҳифаларидаги ижтимоий, маърифий мақолалар орқали кенг оммага етказишга интиламиз. Унинг аксига дучлансак, қалбларимизда бу ҳолатга ачиниш, надомат туйғулари уйғонади. Улар аёл деган муборак номга лойиқми ўзи, дея мушоҳадага берилamiz.

Аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигига кўпроқ, кенгроқ, чуқурроқ эътибор беришимиз зарурлигини англаймиз.

Кузатиб бораётган бўлсангиз, «Саодат»нинг ҳар бир сонида аёллар саломатлиги болалар парвариши таниқли шифокор олималаримиз томонидан мунтазам ва атрофлича, барчага тушунарли тилда кўрсатиб борилади. Бу қўлланмадай, мўъжазгина сабоқдай гап. Ундан фақатгина ёш оналар, балки кенгроқ жамоатчилик — муаллималар, шифокорлар ҳам ҳаётда, иш жараёнида унумли фойдалана олаётганидан мамнунмиз.

Аёлнинг жамиятдаги ўрни катта, дедик. У нафақат она, бека, балки давлат арбоби, машҳур спортчи, шахмат устаси, кенг далалар соҳибаси, илм фидойиси, эл севган санъаткор, ҳассос шоира, адиба, эҳ-ҳе, санайверсанг, адоғи йўқдай!.. Улар юксак минбарлардан туриб, дунё воқеаларига муносабат билдирадилар, давлатимизнинг тинчлик сиёсатини тарғиб қиладилар. Уларни «Саодат» ва «Гулчеҳралар» элга танитмоқда.

«Бир оғиз ширин сўз» айтиш ниятида қўлига қалам олади пиру бадавлат отахонларимиз, оташин юракли йигитларимиз. Ўша бир оғиз ширин сўз учун ҳам бир умр яшаб ўтиш, яшаганда ҳам ҳамма ҳавас қилгудек, арзирли йўл боса олиши керак экан аёл. Шунинг учун ҳам мўътабар, азизу мукаррам. «Бизга аталган кун»ларини туҳфа этишади севимли шоирларимиз. Бу мўъжизавий туркум-туркум шеърлар журнални ҳам, юракларни ҳам нурлантириб юборади.

Азиз муштарий! Қўлингизда чорак кам бир асрга тенг «Саодат» ва унинг мунисгина иловаси «Гулчеҳралар» ўз шаъни, нуфузи ва салобатини янада қадрлаб, Сиз билан янги йилларда, янги асрларга, янги оилаларга кириб бормоқда. Уни ардоқланг. Биз билан бирга бўлинг.

**Ойгул СУЮНДИҚОВА,**
**«Саодат» журналининг бўлим муҳаррири.**





*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистонга нақд ЕВРО олиб келди.*

*2002 йилдан бошлаб Европанинг 12 мамлакати учун ягона валюта муомалага чиқарилади.*

**2002 йил 1 январдан эътиборан Миллий банкнинг барча бўлим ва филиалларидаги корхоналар ва фуқароларнинг валюта ҳисобварақаларидан нақд пулда ЕВРО олиш, бошқа валюталарни ЕВРОга алмаштириш мумкин.**

**«ЕВРО айирбошлаш» махсус депозитига қуйилган Австрия, Бельгия, Германия, Голландия, Греция, Ирландия, Испания,Италия, Люксембург, Португалия, Финляндия, Франция валюталари ЕВРОга ёки ЕВРО худудига кирмаган бошқа мамлакатлар валютасига алмаштирилади.**

**«ЕВРО айирбошлаш» махсус депозитига маблағлар 2001 йил 25 декабргача қабул қилинади.**

***Ўз жамғармаларингиз ҳақида ўйлашга кечикманг!***

1991 NBU 2001
National Bank of Uzbekistan

**Алоқа учун телефонлар: 137-62-81, 137-62-83.**

5081


Халқ таълими вазирлиги «Таълим-савдо» Бош бошқармаси ҳамда республика «Таълим-савдо-жиҳоз» ва «Таълим-қурилиш-савдо» корхоналари жамоалари «Таълим-савдо» Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Миралиевга падари бузруквори, фахрий ўқитувчи

**Наим ота МИРАЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси жамоаси «Патент-Видео» студиясининг раҳбари Ольга Лямкинага отаси

**Николай ЛЯМКИНнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг жамоаси сектор мудири Анастасия Моисеевага ўғли

**ЕГОРнинг**

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти ректорати, касаба уюшмаси, «ТТваАТД» кафедраси жамоаси кафедра доценти Баҳтиёр Бозоровга онаси

**ХЎЖАЛ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Акциядорлик тижорат «Пахта банк» бошқаруви, касаба уюшмаси ва жамоаси «Пахта банк» Кадрлар билан ишлаш бошқармасининг бўлим бошлиғи Гулнора Юсуповага волидаи муҳтарамаси

**Карима АБДУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.





«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 3115. 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *топширилди: 21.30* 1 2 3 4 5 6